# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 67 (9.564) 2001 йил 11 июнь, душанба ◆ Сотувда эркин нархда


## ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ўтган шанба куни Қашқадарёда бўлиб, вилоят меҳнаткашлари билан учрашди, хўжаликлар билан танишди. Мамлакатимиз раҳбари Қаршида вилоят, туман ҳокимликларининг, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг раҳбарлари иштирокида ўтказилган кенгашда сўзга чиқди.

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳамда сув тақчиллиги оқибатларини енгиллаштириш тўғрисида» қарор қабул қилди.

• Қарши шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ҳамда суд-ҳуқуқ соҳасида тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳи томонидан ташкил қилинган «Демократик жараёнлар ва суд-ҳуқуқислоҳотлари» мавзусида минтақавий семинар бўлиб ўтди.

• «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ташаббуси билан мамлакатимизнинг мураккаб экологик минтақаларида яшовчи аҳоли, шунингдек, аҳолининг кам таъминланган қисмига кўплаб мурувват ёрдамлари кўрсатилаётир. Яқинда ушбу жамғармада юртимизда фаолият юритаётган фирма ва хорижий ҳамкорларнинг мурувват ёрдамларини топшириш маросими бўлиб ўтди.

• Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаган ёшлар ишлари бўйича комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

• «Миллий ғоя — бизнинг ғоя». Жиззахда ана шу мавзуда доимий ҳаракатдаги республика семинари бўлиб ўтди. У мамлакатимиз Мустақиллигининг ўн йиллигига бағишланди.

• Атоқли ўзбек геолог олими, академик Иброҳим Ҳамробоев АҚШда чиқадиган «Глобал тектоника ва металлогения» халқаро илмий журнали таҳририятига аъзо этиб сайланди.

• Самарқанддаги «Зиёлилар саройи»да «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими ҳомийлигида иш юритувчи болалар ташкилотини тузишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

• Андижон вилоятининг Жалолқудуқ туманида камқонлик касаллигига чалинган болаларни даволаш ва тарбиялаш мактаб-интернати ишга туширилди.

• Урганчдаги Хоразм вилояти мусиқали драма ва комедия театрида Ўзбекистоннинг барча гўшаларидан ташриф буюрган мингдан зиёд иқтидорли болалар тўпланди. Улар бу ерда очилган «Ўзбекистон — Ватаним маним» анъанавий республика қўшиқ байрамининг финал қисмида иштирок этмоқда.

• «Туркистон» саройида атроф-муҳитни ҳимоя қилиш халқаро кунига бағишланган катта шоу-концерт бўлиб ўтди.

### Жаҳонда

• Нью-Йоркда Ўзбекистон Республикаси ва Коста-Рика Республикаси ўртасида дипломатия муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги қўшма коммюникени имзолаш маросими бўлиб ўтди. Битимни Ўзбекистон ва Коста-Риканинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузуридаги доимий вакиллари имзолашди.

• **Кеча** Россия Федерацияси Давлат думаси раҳбари Г. Селезневнинг Ереванга қилган сафари якунланди.

• **Эртага** Россияда Миллий байрам — мустақиллик куни нишонланади.

• **Кеча** Бошқирдистонда «Сабантўй»га бағишланган тантана бўлиб ўтди. **Кеча** бу ерга Россия Президенти Владимир Путин ташриф буюрди.

• «Бугун америкаликлар учун буюк кун. Зеро, АҚШ ҳали ҳеч бир давлат ботина олмаган қадамни қўйди», дейди мамнуният билан Президент Жорж Буш солиқларни камайтириш тўғрисида қонунга имзо чекар экан. Солиқларни қисқартириш Бушнинг сайловолди ташвиқотидаги устувор йўналишларидан бири эди.

• Тони Блэр лейбористларни тарихий ғалабаларга олиб келди. Буюк Британияда бўлиб ўтган парламент сайловларида лейбористлар катта ғалабани қўлга киритди.

• Америка Қўшма Штатлари Яқин Шарқ можаросини ҳал этишда фаолроқ бўлишга ҳаракат қилмоқда. Ушбу масала бўйича Яқин Шарққа ташриф буюрган Марказий Разведка Бошқармаси бошлиғи Жорж Тенет Ариэл Шарон ва Ёсир Арофатлар билан музокаралар олиб борди.

• Москвада «Труд» газетасининг 80 йиллигига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди.

• **Кеча** Испанияда Мадоннанинг Европа бўйлаб гастролларининг биринчи концерти бўлиб ўтди.

• Грузия мудофаа вазири Давид Тевзадзе Брюсселдаги НАТОнинг бош қароргоҳида Евроатлантика кенгаши давлатлари мудофаа вазирларининг учрашувида қатнашди.

• Иордания вазирлар маҳкамасининг маълум қилишича, «Royal Jordanian» авиакомпанияси Ироқ давлати билан доимий равишда йўловчилар ташиш ва транспорт ҳаво алоқаларини йўлга қўйди.

• Рим папаси Иоанн Павел II 23-27 июнь кунлари Украинага ташриф буюради.

• Бангладеш Бош вазири истеъфога чиқишини эълон қилди.

• **Кеча** Россия ва Беларусь иттифоқи давлат котиби П. Бородин терговга кўрсатма бериш учун Женевага келди.

• **Кеча** Югославия ҳудудини НАТО самолётлари томонидан бомбардимон қилиниши тугалланганлигига икки йил тўлди.

• **Кеча** Рамаледа Европа Иттифоқи делегацияси билан Фаластин раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди.

• **Кеча** Мадридда АҚШ Президенти Жорж Бушнинг ушбу мамлакатга ташрифига қарши уч мингга яқин испаниялик намойиш ўтказди. Бугун АҚШ Президенти Мадридга келади.

• Ирландияда бокс бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтмоқда. Мусобақаларда 68 мамлакат вакиллари чемпионатнинг бош соврини учун ўзаро куч синашяпти. Уч нафар ўзбекистонлик чарм қўлқоп устаси ярим финалга чиқди.

## Пойтахтнинг бир куни

Янгиликлар, воқеалар

ТАДБИРКОРЛИК

## Харидоргир маҳсулотлар

**Пойтахтимизда тадбиркорлик билан иш юритиб, хилма-хил устки кийимлар ишлаб чиқаришга муваффақ бўлаётган «Анка» қўшма корхонасининг чарм маҳсулотларига республикамиздагина эмас, балки қўшни давлатларда ҳам харидорлар кўпаймоқда.**

1995 йилда ташкил топган ушбу корхонада ҳозирда 50 нафар одам иш билан таъминланган. Корхонада Туркиядан келтирилган замонавий технология асосида иш юритилади. Бу ерда тери ошланиб, сўнгра ундан турли хилдаги тайёр устки кийимлар тикилади. Турли ёшдаги аҳоли учун ишлаб чиқарилаётган кийим-кечакларнинг тури бугунга келиб 70 хилдан ортиб кетди.

— Корхонамизда тажрибали мутахассислар меҳнат қилишади, — дейди директор ўринбосари Одилжон Бекмуҳамедов. — Мақсадимиз эса маҳаллий хом ашёдан импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришдир. Бунинг учун биз бозорни, ҳозирги харидор дидини ўрганишга алоҳида эътибор қаратганмиз. Ишлаб чиқараётган маҳсулотимиз сифатли ва рақобатбардош бўлсагина, унга чет элдан ҳам харидор топилади. Бугунги кунда биз ана шу йўлда интилиб, сифатга ва маҳсулотнинг талаб даражасидаги турларини яратишга ҳаракат қилаяпмиз.

**Дилноза ҒИЁСОВА**

## Қисқа сатрларда

❒ **РЕСПУБЛИКА** урология марказида буйрак хасталигига чалинган беморларни энг замонавий асбоб-анжомлар ёрдамида 3 хил йўналишда даволаш йўлга қўйилди. Эндиликда ушбу шифо маскани 200 га яқин беморга бир кунда ёрдам кўрсата олади. Истиқлолнинг 10 йиллиги арафасида эса ушбу марказнинг янги биноси қурилиб, фойдаланишга топширилади.

❒ **АКМАЛ** Икромов туманида «Ҳамшира-2001» кўрик-танловининг туман босқичи ўтказилди. Поликлиника ва шифохоналарнинг 9 нафар энг зукко, билимли ҳамширалари иштирок этган ушбу кўрик-танловда ғолиблик 8-оилавий шифохона ҳамшираси Умида Тўлагановага насиб этди.

❒ **МИРЗО** Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида халқ севган санъаткор Саттор Ярашевнинг хотирасига бағишланган «Барҳаёт сиймолар» мавзуидаги бадиий-мусиқий кеча бўлиб ўтди.

❒ **ТОШКЕНТ** Давлат юридик институтида талабалар иштирокида Юнусобод тумани ҳокимлиги, туман маънавият ва маърифат маркази ташаббуси билан ўтказилган тадбир «Диний ақидапарастлик ва гиёвандликка қарши кураш» деб номланди.

❒ **«ЎЗАВТОЙЎЛ»** акциядорлик компаниясининг бир гуруҳ ходимлари йўлсозлик соҳасида ривожланган мамлакатда олиб борилаётган ишларни ўрганиш, ўзаро тажриба алмашиш мақсадида Германияда бўлиб қайтишди.

❒ **ТОШКЕНТ** «Нон паста» корхонасида ойига 50 тонна нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Шунга қарамай мазкур корхона раҳбарияти печенье маҳсулотлари ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш мақсадида хориждан замонавий технологияларни келтирди.

❒ **ХАЛҚАРО** ЭКОСАН жамғармасида Ўзбекистон табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси билан ҳамкорликда ўтказилган конференция «Табиатни севмоқ — Ватанни севмоқдир» деб номланди.

❒ **ТЕМУРИЙЛАР** тарихи Давлат музейида этнология (элшунослик) фанининг долзарб масалаларига бағишлаб ўтказилган илмий-амалий анжуманда биринчи ўзбек элшунос олими Карим Шониёзовнинг илмий фаолияти ҳақида сўз борди.

❒ **ТОШКЕНТ** Давлат иқтисодиёт университетида талабалар иштирокида «Оила маънавияти — юрт фаровонлиги» мавзуида семинар бўлиб ўтди.

❒ **ШАҲРИМИЗДАГИ** бир нечта болалар уйларининг тарбияланувчиларига Оналар ва болалар йили муносабати билан ЭКОЛОТ қўшма корхонасининг меҳр-мурувват ёрдами кўрсатилди.

## Бугун асосий баҳслар бошланади

TASHKENT OPEN 2001 UZBEKISTAN



**Ўтган шанба куни шаҳримиздаги «Шератон—Тошкент» меҳмонхонасида навбатдаги «Тошкент Оупен» аёллар турнирига қуръа ташлаш маросими ва мутасаддилар ҳамда журналистлар ўртасида матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

Тадбирни очар экан Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Рустам Шоабдураҳмонов Мустақиллигимизнинг ўн йиллиги арафасида ўтказилаётган турнирнинг барча қатнашчиларини улкан спорт байрами билан табриклаб, уларга кортдаги ҳаяжонли беллашувларда омад тилади.

Сўнг Татьяна Панова (Россия), Татьяна Гарбин (Италия), Ирода Тўлаганова (Ўзбекистон), Жанетт Хусарова (Словакия), Татьяна Путчек (Беларус), Бьянка Ламада (Германия), Валеро Кристина Торрес (Испания) каби саккизта энг кучли ўйинчилар сараланган ҳолда қуръа ташлаш маросими ўтказилди. Тошкент аёллар турнирларининг икки карра ғолиби, австриялик Патриция Вартушнинг сараланган ўйинчилар таркибидан ўрин ололмаганлиги ҳам «Тошкент Оупен» мусобақаларининг нуфузи қанчалик юқори даражага кўтарилганлигидан далолат беради.

Қуръа ташлаш натижаларига кўра уч теннисчимиз асосий сетка баҳсларида ғалаба учун кураш олиб борувчи 32 нафар теннисчи орасидан ўрин олган бўлиб, wild card орқали қатнашувчи ёш, умидли теннисчимиз Варвара Лепченко турнирнинг тўққизинчи ракеткаси, 117-рейтинг рақамига эга Индонезия олимпия терма жамоасининг аъзоси ITF туркумидаги қатор мусобақалар ғолиби 20 ёшли Уинн Пракуся билан куч синашади. Wild card ҳуқуқидан фойдаланган яна бир ҳамюртимиз Оқгул Омонмуродова биринчи ўйинда Голландия вакили, 170-рейтинг ўрнига эга Зеда Нурландерга қарши кортга тушади.

Энг кучли теннисчимиз Ирода Тўлаганова учун эса омад бироз кулиб боқди — у дастлаб саралаш турниридан ўтган теннисчи билан баҳс юритади.





Қуръа ташлаш маросимидан сўнг Ўзбекистон Президенти Кубоги ва «Тошкент Оупен» мусобақаларининг асосчиси Сассон Какшури, «Тошкент Оупен» мусобақаларининг супервайзери Энжи Вулкоок, Ўзбекистон теннис федерациясининг бош котиби Игорь Шепелевлар журналистлар саволларига жавоб қайтардилар.

Шанба ва якшанба кунлари «Динамо» кортларида 32 нафар теннисчи ўртасида саралаш мусобақалари бўлиб ўтди. Унда ўзбекистонлик ўн беш нафар ёш, умидли спортчилар ўз кучларини синаб кўришди. Афсуски, бу гал уларга омад кулиб боқмади.

**БУГУН**

Анастасия Родионова (Россия) — Анандо Августус (АҚШ), Альберта Брианти (Италия) — Женифер Эмбри (АҚШ), Ленка Допулькова (Словакия) — Юлия Бейгерзимер (Украина), Мария Уайне Микелан (Швейцария) — Капо Тонг (Гонконг) ўртасидаги баҳслардан сўнг тўрт нафар ғолиб асосий сетка қатнашчилари орасидан ўрин олади.

Соат 18.30 да ўтказиладиган «Тошкент Оупен» мусобақаларининг тантанали очилиш маросимидан кейин энг кучлилар ўртасида дастлабки баҳслар бўлиб ўтади. Шуни айтиш керакки турнир ғолиби 22 минг АҚШ доллари билан тақдирланиб, унга 140 рейтинг очколари берилади.

**Дилшод ИСРОИЛОВ**

**СУРАТЛАРДА: «Тошкент Оупен» аёллар мусобақаси саралаш баҳслари пайтида.**

**Тоҳир Ниғматуллин олган суратлар.**

УМУМШАҲАР ЮГУРИШИ

## Кучлилар – республика мусобақасида қатнашади

**КЕЧА**

**ҳамшаҳарларимиз севиб ҳордиқ чиқарадиган масканлардан бири — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи атрофи одатдагидан кўра гавжум ва файзли тус олди. Негаки, барча туманлардан ташриф буюрган беш мингга яқин ўн бир ёшдан етмиш ёшгача бўлган ҳамшаҳарларимиз халқаро олимпия қўмитаси ташкил этилганлигининг 107 йиллиги ва Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўн йиллигига бағишланган умумшаҳар югуришида қатнашиб спортга яна бир карра ошно бўлишди.**

Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Эркин Эрназаров қатнашчиларга муваффақият тилагач ўн бешта ёш тоифасида қизғин беллашувлар бошланиб кетди.

Ҳақиқатан ҳам биз шу куни югуриш мусобақаларини завқ билан томоша қиларканмиз, ўз ҳаётини жисмоний тарбия билан боғлаётган ҳамшаҳарларимизнинг саъй-ҳаракатларига тасаннолар айтдик.

Натижаларга назар ташлайдиган бўлсак, 60 ва ундан юқори ёшдаги аёллар ўртасида Л.Полонская (Чилонзор туманидаги «Кентавр» клуби), эркаклар ўртасида эса Мирзо Улуғбек тумани вакили А.Ногайлар ғолиб чиқишди. 13-14 ёшли қизлар ўртасида А.Икромов туманидан Р.Содиқова, болалар ўртасида К.Нормуродов (Мирободод) устун келди. 19-20 ёшли қизлар баҳсида Ҳамза туманилик Динара Габидуллина зафар қучди.





Умумшаҳар югуришининг барча ғолиб ва совриндорларига Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, шаҳар жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, С.Раҳимов, Яккасарой, А.Икромов, Чилонзор туман ҳокимликлари томонидан таъсис этилган совринлар топширилди. Ҳар бир ёш тоифаси бўйича беллашувларда 1-15 ўринни эгаллаган шаҳримиз югурувчилари 17 июнда ўтказиладиган республика олимпия югуриши мусобақаларида қатнашади.

**Даврон ИСМАТОВ**

**СУРАТЛАРДА: умумшаҳар югуришидан лавҳалар. Сергей Любчич олган суратлар.**

ФУТБОЛ

## Бир дақиқа қолганда

**КЕЧА**

**«Пахтакор» марказий стадионида мамлакат Х миллий чемпионатининг 15-тур учрашувида пешқадамликка даъвогар жамоалар — «Пахтакор» ва «Нефтчи» ўзаро куч синашишди.**

Учрашув ҳақида аввало шуни айтиш лозимки, ғалаба ҳар икки жамоа учун сув билан ҳаводек зарур эди. Шу боис ҳам ҳар икки жамоа ўйини шиддатли, тезкор, комбинацион ҳужумларга бой кечди. Учрашув тугашига 15 дақиқа қолганида ҳам пахтакорчилар Алексей Жданов киритган гол эвазига олдинда боришаётган эди. Аммо иккинчи бўлимдаги бир неча қулай имкониятлардан фойдалана олмаслик «Пахтакор»га панд берди. 75-дақиқада Рустам Дўрмонов мезбонлар дарвозасига жавоб тўпини йўллаб ҳисобни тенглаштирган бўлса, учрашув тугашига бир дақиқа қолганида Анвар Бердиев фарғоналикларга ғалаба келтирувчи голни мезбонлар дарвозасига киритди. Учрашув 1:2 ҳисобида «Нефтчи» ғалабаси билан тугади.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди. «Дўстлик» — «Самарқанд-Динамо» 2:0, «Семурғ» — «Бухоро» 1:3, «Металлург» — «Андижон» 3:2, «Кимёгар» — «Сўғдиёна» 0:0, «Зарафшон» — «Трактор» 3:0, «Турон» — «Академия» 0:0, «Сурхон» — «Насаф» 2:4, «Навбаҳор» — «Қизилқум» 1:0.

Навбатдаги 16-тур учрашувлари 13 июнда бўлиб ўтади.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

# «Оймома» боғида — истиқлол тенгдошлари



**Собир Раҳимов туманидаги «Оймома» боғида болажонлар учун кўнгилочар тадбирлар, қувноқ танловлар, хайр-эҳсон ва мурувват кечалари, турли байрам тадбирларини тез-тез ўтказиб туриш хайрли одат тусига кирган.**

Куни кеча боғ яна болажонлар билан гавжум бўлиб, уларнинг шўх-шодон кулгиларига тўлди. Зеро, бу ерда Собир Раҳимов тумани ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси, «Соғлом авлод учун» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан Оналар ва болалар йили ҳамда Республикамиз Мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб «Биз — истиқлол тенгдошимиз» деб номланган байрам тадбири ўтказилди.

Миллатимизнинг давомчилари, истиқлолимизнинг эртанги таянчи, буюк келажагимизнинг бунёдкорлари бўлмиш болажонларни шаҳар ҳокимлиги Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш котибиятининг мудири Гулруҳ Аъзамова, С. Раҳимов тумани ҳокимининг ўринбосарлари Жавдат Иноғомов, Муқаддам Расуловалар Оналар ва болалар йили ҳамда Мустақиллигимизнинг кириб келаётган ўн йиллик байрами билан қизғин табриклаб, энг эзгу тилакларини билдиришди.

Шу куни тумандаги мактаблар ўқувчилари, болалар боғчалари ва меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчилари учун боғдаги барча ўйин аттракционлари то кечга қадар бепул хизмат кўрсатди. Тадбир иштирокчилари тумандаги ёш ижодкорларнинг ажойиб концерт дастурларидан баҳраманд бўлишди, «Қувноқ стартлар» спорт мусобақаларида беллашишди, «Асфальтга расм чизиш» кўрик-танловида ўз иқтидорларини намойиш этишди.

Тумандаги Истиқлол тенгдошлари бўлиб, ўн ёшга қадам қўяётган 11, 15, 249, 46, 310, 119, 23- ва бошқа мактаблар ўқувчилари, 24-Меҳрибонлик уйининг тарбияланувчиларига аъло баҳоларга ўқиганликлари ва намунали хулқлари учун эсдалик совғалари, фахрий ёрлиқлар топширилди. 24-Меҳрибонлик уйига туман ҳокимлигининг махсус совғаси топширилган бўлса, тадбирнинг «КАФЕ» халқаро ташкилоти, «Холимакс» масъулияти чекланган жамияти, «УПАК» хусусий корхонаси ва 6-касб-ҳунар мактаби каби ҳомийлари ҳам болалардан ўз совғалари, лаззатли таом ва пишириқларини дариғ тутишмади.

432-болалар боғчаси ёш бадиий гимнастикачиларининг чиқишлари, 24-Меҳрибонлик уйи бадиий ҳаваскорлари ижросидаги жозибали куй, қўшиқ ва рақслар тадбирга ўзгача файз, таровват бағишлади.

**Дилшод ИСРОИЛОВ**





**СУРАТЛАРДА: «Оймома» боғидаги қувноқ байрам тадбиридан лавҳалар.**

**Тоҳир Ниғматуллин олган суратлар.**

ХОТИРА УЙҒОНСА ГЎЗАЛДИР…

# Яхшилик унутилмайди

Кўз илмининг фидойиси Маҳамаджон Комилов ҳақида ўйлаганимда Бобур ҳазратларининг қуйидаги мисралари ёдимга тушади.

**Бори элга яхшилиғ қилғинки,**
**мундин яхши йўқ,**
**Ким, дегайлар даҳр аро**
**қолди фалондин яхшилиғ.**

Бундай инсон ҳақида хотира ёзиш анча қийин. Сабаби кичик бир мақолада унинг бутун фаолиятини қамраб ололмайсан. Шунинг учун биз ҳам бу инсон ҳақидаги хотирани ўзимиз шоҳиди бўлган ва аниқ-таниқ билган бир воқеадан бошлашга жазм этдик...

Республика кўз касалликлари шифохонаси профессори, тиббиёт фанлари доктори раҳматли Маҳамаджон Комилов билан танишувимиз қизиқ бўлган. Тақдир тақозоси билан иккала кўзи ожиз, ўзгалар ёрдамига муҳтож Барнохон исмли қиз ҳақида мақола ёзишга тўғри келди. Унинг ёзилишига эса ёшликдаги синфдошим, ҳозирда болалар шифокори бўлиб ишлаётган Муҳаррам Норбоева сабабчи бўлди.

Бир оқшом сўлим Анҳор бўйлаб бораётиб уни тушкун кайфиятда учратиб қолдим. Ҳол-аҳвол сўрашишга улгуриб-улгурмай Муҳаррам қўлидаги хатни «Ўқинг», дея менга тутқазди. Мактуб Барнохон исмли қизчадан бўлиб, у бундан тўрт йил муқаддам бетоб бўлиб қолганида отаси билан Муҳаррам ҳузурида бўлгани, ўшандан бери ширин сўзли бу шифокорга ғойибона боғланиб қолгани, кўзи ожиз туғилгани учун онаси туғруқхонадаёқ қизидан ва эридан воз кечиб кетгани ҳақида куюниб-ўртаниб ёзарди. Қарангки, фалокат оёқ остида деганларидек, она ўрнида она, ота ўрнида ота бўлиб қизалоқни ўкситмай тарбиялаган меҳрибон отаси ҳам бундан икки йил муқаддам машина ҳалокати туфайли оламдан ўтибди. Мактуб охирида у: «Опажон, ёлғиз 90 ёшли бувим ва сиздан ўзга меҳрибоним йўқ. Иложи бўлса менга ёрдам бериб кўзимни бирор мутахассис шифокорга кўрсатсангиз. Ахир қуш тилини қуш билади деганларидек, сиз шифокорсиз, бирор танишингиз бўлса маслаҳатини олардик», деб ёзганди.

Ҳайрон бўлиб мактубни Муҳаррамнинг қўлига тутқаздим. У мени саволга тута кетди:

— Хўш, инсоннинг яшашдан мақсади нима? Унинг қалбида яхшиликдан нишон бўлиши керакку, ахир...

Очиғи шу тобда унга бирор жўяли маслаҳат беришга ожиз эдим. Мушкулимни Муҳаррамнинг ўзи ҳал қилди.

— Хатда кўрсатилган манзил бўйича қизалоқни излаб уйига бордим. У билан учрашиб суҳбатлашдим. Нуржаҳон исмли кекса бувининг хурсанд бўлганини айтинг. «Вой, қизим тушмагурей, ахир айтганини қилди-да. «Қўй, бегона бир инсонни безовта қилиб, вақтини олма», деганимга қарамай қўшнимизга айтиб туриб шу хатни ёздирди. Энди хафа бўлмайсиз-да қизим. Неварагинамнинг қалби ўксик», — дейди кампир хижолат бўлиб.

— Хуллас мен Барнохонга ваъда бердим. Уни Маҳамаджон Комиловнинг олдига олиб бораман. Олдин домланинг сўзларини олайчи. У киши нима маслаҳат берадилар, — деди Муҳаррам сўзининг охирида.

Ўша дамдаёқ мен учун гўё янги мавзу топилгандек эди. Албатта шу ҳақда мақола ёзишни дилимга тугиб қўйдим. Кейин ётсам ҳам, турсам ҳам Барнохон исмли бу қизалоқнинг аянчли тақдири менга тинчлик бермай қўйди.

Кўп ўтмай «Барнони бахтсиз қилган ким?» мақоласи газетхонлар эътиборига ҳавола қилинди. Муштарийлардан таҳририятимизга кўплаб мактублар кела бошлади. Хат муаллифларининг барчасини Барнонинг тақдири, кўзининг очилиши қизиқтирарди. Шу тариқа профессор Маҳамаджон Комилов билан танишдик...

Қўшни хонадаги телефонга мени биров чақираётганлигини айтишди. Дарҳол бориб гўшакни қўлимга олдим. Саломлашишдан сўнг бироз ҳазил тариқасида: «Бу Маҳмуд Комилжон ўғилларими?» деган овоз келди гўшакдан. «Худди ўзлари» ҳазилга ҳазил билан жавоб бердим мен.

— Барнохон ҳақидаги мақолангиз газетада чоп этилгандан бери телефон қўнғироқларидан бўшамай қолдик. Оқшомхонлар бизни «Барно касалхонага ётдими? Унинг кўзи очиладими?» деган саволларга кўмиб ташлашдику. Қачон олиб келасизлар энди Барнони бизга.

Ўша куниёқ янгиликдан Муҳаррамни хабардор этдим.

— Мушкулимиз осон бўлибди, — деди у хурсанд бўлиб.

Орадан икки кун ўтиб Муҳаррам, Барно ва мен домланинг ҳузурларига бордик. У кишининг дилкаш, самимий сўзлари кўнглимизга таскин бериб, кайфиятимизни кўтариб юборди. Ўша дамда Барно эмас, гўё ўзимиз дардимизга даво топаётгандек эдик.

Кейин кўрув бошланди. Маҳамаджон ака шифокорлар ва ассистентларни бирма-бир катта линзали мослама олдига таклиф қилиб, улардан бемор кўзини синчиклаб кўриш ва у ҳақда ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўради. Ҳар хил таклифлар билдирилди. Ниҳоят профессорнинг ўзи Барнонинг ҳар иккала кўзини синчиклаб кўрди. Кейин мосламани ўзидан нари суриб ўрнидан турди. Хона бўйлаб ўйчан нари-бери юрди. Ҳамма жим. Бутун вужудимиз қулоққа айланган.

— Ҳурматли ассистентлар, фикрларингиз менга маъқул келмади, — дея оҳиста сўз бошлади домла. — Такрор айтаман, биз шифокорларга тушкунлик ярашмайди. Инсон тақдири қўлимизга ишониб топширилган экан, ҳар қандай оғир дардга ҳам даво топиш чорасини излашимиз лозим. Қизчанинг кўзи очилади.

Бу сўзнинг акс садоси узоқ вақт қулоқларимиз остида жаранглаб турди. Очиғи, бу сўз ҳамма учун кутилмаган мўъжиза эди. «Ё, тавба. Қандай қилиб? Ахир қизча туғма ногирон бўлса». Ҳозир мана шу савол йиғилганлар хаёлини чулғаб олганди.

—Олтмиш фоиз очилади. Ўзим жарроҳлик қиламан. Операция кунини эртага белгилаймиз. Тайёргарлик кўринглар.

Шу пайт ҳамма учун яна бир кутилмаган ҳол рўй берди. Тўлқинланиб кетган Барно тезда ўрнидан туриб профессорнинг олдига яқинлашди. Кейин унинг бўйнидан маҳкам қучоқлаб олди. Асабларни жиловлаб бўлмади. Кўзларимиздан шашқатор ёш оқди. Оғир беморлар билан неча-неча бор тўқнашган, уларнинг миннатдорчилик сўзларини қайта-қайта тинглаган профессор Маҳамаджон Комилов ҳам бу сафар кўз ёшларини тийиб туролмади.

— Оппоқ қизим, хафа бўлма. Кўзинг очилади. Сен ёруғ оламни албатта, кўрасан, — дея олди у Барнонинг бошини силаб.

Хуллас, профессор ҳузуридан қувонч билан чиқдик. Барно Муҳаррамнинг қўлини маҳкам қисганича ҳамон ўзини босолмай борарди.

Эртасига белгиланган вақтда операция бошланди. Ниҳоят узун йўлакчанинг нариги бошида Маҳамаджон Комилов кўринди. Оғир-вазмин қадамлар унга анча толиқиш белгисини бериб турарди. Саломимизга бош қимирлатиш билан хонаси томон ўтиб кетди.

Вужудимизни қандайдир титроқ қоплади. Профессорнинг орқасидан югурдик. Лекин хонасига киришга ботинолмай ўйланиб қолдик. Муҳаррам дадиллик қилди. Бир пиёла чой ичгунчалик вақтни ўтказиб эшикни тақиллатди. «Киринг» деган овоз эшитилди ичкаридан.

— Ие, сизлар ҳам шу ердамисизлар? — деди профессор гўё бизни энди кўраётгандек. Кейин жавобимизни кутмай мақсадга ўтди:

— Ҳаётимда жуда кўплаб мураккаб операцияларни қилишимга тўғри келди. Қанча-қанча ожиз кўзларга нур бағишладим. Лекин бугунгидек қийналган куним бўлмаган. Операция олдидан қизчанинг қилаётган нола-ю фиғонлари, ёлворишлари бағримни ўртаб юборди. Ҳар-қалай операция ёмон ўтмади. Натижани эртагача кутишга тўғри келади...

Бироз тушкун, бироз таскин кайфиятда профессор билан хайрлашдик.

Эртасига иш билан бўлиб касалхонага боролмадим. Муҳаррамнинг ўзи борди. Кечқурун ундан телефон орқали бор тафсилотни эшитдим. Келинг, энди Муҳаррамнинг ҳикоясига қулоқ тутайлик.

...Бу сафар домла Барно ётган хонага мени ҳам таклиф қилиб: «Ахир сиз ҳам шифокорсиз. Юринг, қизалоқнинг кўзини биргаликда очамиз», дедилар.

Ним қоронғу хонага кирдик. Билмадим қадам олишимиздан сездими ёки мени интизорлик билан кутиб ётган эканми, бирдан Барно: «Муҳаррам опа, бу сизми?» деб сўраб. қолди. «Ҳа, бу мен, оппоқ қизим», дедим унинг мен томон узатилган бармоқларини маҳкам силаб, «Ёнингизда Маҳамаджон ака Комилов турибдилар-а». «Ҳа, домла шу ердалар». «Ота, айтинг, энди кўзим очиладими?» «Очилади, болам». «Ота деб атаганимга хафа бўлманг. Энди сиз мен учун чинакам отасиз».

Барно тушмагурей, мунча ҳам доно бўлмаса. Худди гапларини ёдлаб олгандек дона-дона гапиради-я. Шу дамнинг ўзида шундай қизнинг қадрига етмай ташлаб кетган онасига лаънат айтдим...

Профессор ишга киришди. Барнони ўрнидан турғазди. Ўриндиққа ўтказиб эҳтиёткорлик билан кўзларидаги боғичларни еча бошлади. Умрга тенг лаҳзалар...

Кўзлар боғичлардан ҳоли бўлди. Лекин улар ҳамон юмуқ эди.

— Барнохон, кўзингни оч, — овози эшитилди профессорнинг.

Кўзлар очилди.

— Мени кўряпсанми?

— Кўряпман.

— Қанақа кийимдаман.

— Оппоқ.

— Мана бу нечта? —бармоқларни кўрсатди профессор.

— Бешта.

— Ҳаммаси аъло, — сўнг профессор менга мамнун қиёфада жилмайди. — Худога шукр. Кўзинг очилди, қизим. Энди ётиб бироз дамингни ол...

Ҳикоя шу ерда узилди. Уни давом эттиришга Муҳаррамнинг бардоши етмади шекилли.

Ёруғ оламни кўриш қувончидан ял-ял ёнган Барнохонни еттинчи куни уйига кузатдик. Жўнаш олдидан қизалоқ қўярда-қўймай: «Бизникига борасизлар» деб туриб олди. Уни ўкситмаслик учун Маҳамаджон Комилов, Муҳаррам ва камина Барнохонни етаклаганимизча унинг ҳовлисига кириб бордик.

Чилонзордаги мўъжаз хонадонда ўша куни гўё тўй бўлиб кетди.

Юқоридаги ҳикоя профессор Маҳамаджон Комиловнинг умр зарварақларидан бир саҳифа холос. Уни варақласангиз бундай савобли ва хайрли ишлардан, Маҳамаджон аканинг минглаб одамларга кўриш бахтини инъом этганидан воқиф бўласиз. Бинобарин, яхшилик, эзгулик асло унутилмайди. Гарчи бугун Барно ҳам, профессор Комиловнинг ўзи ҳам орамизда бўлмасада унинг одамийлик, камтарлик, меҳрибонлик фазилатлари домлани билганлар ёдидан сира кўтарилмайди. Ўйлаймизки, профессор Комилов ҳақида ҳали яна кўплаб мақолалар, рисолалар ёзилади. Бизнинг ушбу мақоламиз шундай хайрли ишнинг бир дебочаси бўлса не ажаб...

Мақола аввалини Бобур ҳазратларининг шеърий сатрлари билан бошлаган эдик. Охирини ҳам ана шу мисралар билан якунлашни лозим топдик.

**Бори элга яхшилиғ қилғинки,**
**мундин яхши йўқ,**
**Ким, дегайлар даҳр аро қолди**
**фалондин яхшилиғ.**

**Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ**

ТАДБИРЛАР

# Давра суҳбати

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Германиянинг Фридрих Эберт номли жамғармаси иштирокида «Халқаро терроризмнинг барқарорлик ва хавфсизликка таҳдид эканлиги» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Давра суҳбати академия ва жамғарманинг ўзаро ҳамкорлик доирасидаги алоқаларнинг дастлабкисидир. Суҳбатни академия ректори, профессор А. Азизхўжаев ва Фридрих Эберт номли жамғарманинг Марказий Осиё ва Кавказ давлатлари бўйича бюросининг директори доктор В. Шнайдер-Детерс очишди.

«Терроризмнинг миллий ва минтақавий хавфсизликка таҳдид эканлиги» тўғрисидаги маъруза билан Ўзбекистон Республикаси Хавфсизлик кенгашининг етакчи маслаҳатчиси, сиёсий фанлар номзоди Ф. Толипов ва «Терроризм ва давр» ҳақидаги маъруза билан академия проректори, профессор Т. Жўраевлар чиқишди.

Бўлиб ўтган мунозараларда сиёсатшунослар, етакчи олимлар ва академия тингловчилари халқаро терроризмнинг ҳозирги ривожланиш босқичидаги хавфига ва унинг олдини олишга оид маълумотлар билан ўртоқлашишди, фикрлар билдиришди.

**Ғайрат ЗУНУНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг тингловчиси.**

ЁЗ — 2001

# Оромгоҳлар чорлайди

**Ҳар сафаргидек бу йил ҳам Тошкент шаҳар йўловчи ташиш транспорт корхоналари Давлат уюшмасига қарашли болалар оромгоҳларида ўқувчиларнинг ёзги таътили соз ва қувноқ ўтади. Бунинг учун улар сифатли таъмирланиб, янги мавсумга барвақт тайёрлаб қўйилди.**

Сўлим ва баҳаво боғ-роғлар қучоғида жойлашган «Автомобилчи», «Трамвайчи» болалар оромгоҳларида эса дам олувчилар учун яна қатор қулайликлар муҳайё этилди. Уларнинг ҳар бирида мавсум давомида транспортчиларнинг минг нафар ўғил-қизи ёз гаштини суради.

Бундан ташқари уюшмага қарашли соғломлаштириш ва дам олиш уйларида болаларнинг ҳордиқ чиқаришлари ташкил этилади. Касаба уюшмалари санаторий ва оромгоҳларида оналар ва болалар учун алоҳида соғломлаштириш бўлимлари очилди.

**Азиз АЪЛОЕВ**

# Ўзбек тарихи — ўзлик тарихи

(Давоми).

## ҚАДИМ-ҚАДИМ ЗАМОНДА…

Илм аҳли замин бағридан топилган инсон қолдиқларини ўрганиб, ер юзида энг қадимги одамларни Африка қитъасида 2 миллион йил, Ўрта Осиё ва унга туташ масканларда эса 500-800 минг йил муқаддам пайдо бўлган, деб хулоса берадилар.

Фарғона водийсидаги Селунғур ғоридан чиққан инсон суягининг қолдиқлари эса Ўзбекистон тупроғида бир миллион икки юз минг йил муқаддам ҳам башар фарзандлари яшаганининг моддий далилидир.

Аммо, билимдонлар инсоният тараққиётини омилкорлик билан турли даврларга бўлиб чиқадилар, сўнгра илмий изланишларини «эрамиздан тахминан 40-12 минг йил аввал ҳозирги кўринишдаги одамлар шаклланган» деган фараз билан якунлайдилар.

Шу боисдан ҳам қадимги одамларнинг сайёрамизнинг турли минтақаларида топилаётган қолдиқлари турфа хил тахминлар, илмий фаразлар ва хулосаларнинг туғилишига, узлуксиз баҳслар, мунозаралар, илмий тадқиқотларга сабаб бўлиб келмоқда.

Бир гуруҳ олимлар ибтидоий аждодларимизни бизнинг бугунги шакли шамойилимизга яқинлаштиришга уринса, бошқа бир гуруҳи бутунлай узоқлаштириб, ҳайвонот оламига қариндош қилиб қўяди.

Бунинг сабаби нимада?

Ўша қолдиқлар чиндан ҳам росмана одамникими ё ҳаёт бизнинг устимиздан кулиб, нотавон ва ногирон, маймунсифат кимсаларнинг суякларини тупроқ бағрида асраб, «Мана бу сенинг бобокалонинг!» дея тақдим этаяптими?

Балки, шу йўл билан бизнинг имонимизни синовдан ўтказаётгандир?

Бу ҳам баҳсли масала.

* * *

Узоққа бормасдан, ўзимизнинг диёримизда – Тешиктошда топилган тўққиз яшар боланинг жасадини олайлик.

Олимларнинг айтишларича, унинг қабри атрофи ҳайвон шохлари билан ўралган экан.

Бу нимани билдиради?

Ўша давр одамларининг соддалигиними, урф-одатларининг ибтидоийлигиними?

Иккала фикрнинг ҳам жони бор.

Яна ўша пайтлардаёқ марҳум ким бўлишидан қатъи назар, ардоқланганини, қабиладошлари ўз зурёдларининг қаерга кўмилганини шу усулда белгилаганини тахмин қилиши мумкин.

Бу кўчманчи халқларга хос удум бўлиб, улар чорваси ортидан йиллаб дала-даштларни кезиб қайтганларидан сўнг, марҳумларини ўша белгиларига қараб топганлар ва зиёрат қилганлар.

Қирғиз ва қозоқ халқларида ота-боболарининг қабрини ёввойи кийиклар ва буғуларнинг шохлари билан безаш одат тусига кирган. Ҳатто шохнинг катта-кичиклиги тупроққа қўйилган кимсанинг мартабаси ва нуфузини билдириб турган.

Бошқача қилиб айтганда, тирикликнинг мезонлари ўликларни ҳам бир-биридан ажратишга, бирини улуғлаб, бирини таҳқирлашга хизмат қилган.

Биз Тешиктошда топилган боланинг қиёфасига қараб, ўзимизни бевосита унинг аждоди, дейишимиз асло инсофдан эмас.

Аввало, бу биттагина шахснинг қолдиғи.

Қолаверса, у майиб-мажруҳми, туғма ногиронми, билмаймиз.

Балки, у оғир бир дардга чалингандир-у, олиб кетишнинг иложи бўлмагандан сўнг шу тарзда қолдиришгандир.

Агар унинг теграсида худди шу тарзда кўмилган, айнан унинг қиёфасига ўхшаган бошқа жасадлар топилганда эди, муайян хулосага келиш мумкин бўларди...

* * *

Илмий рисолаларда дастлабки одамнинг ҳозирги одамга айланиш жараёни суратлар орқали берилганини кўп кўрганмиз.

Энг биринчиси, маймунсифат башарали, калласининг оғирлигидан энгашиб бораётган жонзоднинг қиёфаси.

Бу сурат тасодифан эмас, қадимги одамнинг суякларини тиклаш орқали яратилган.

Энди савол туғилади:

У чиндан ҳам одамзод қиёфасига яқинроқ маймуннинг жасади эмасмикин?

Балки, у чиндан ҳам инсон аждоди бўлса, бир умр чангалзор ўрмон бағрида қаддини тик тута олмасдан, энгашиб (турли йиртқичлардан писинибми ёки ўлжасини пойлабми) юргани туфайли, гавда тузилиши ўзгариб кетгандир.

Очиғини айтганда, инсоният тараққиётнинг юксак чўққисига чиққан бугунги кунда ҳам ота-онасининг қонидаги турли дардлар - гиёвандлик, аракхўрлик, нотўғри шаҳвоний ҳаёт, иқтисодий қашшоқлик, экологик фожиалар туфайли дастлабки одамлар қиёфасида туғилаётган майиб-мажруҳлар, ногирон кимсалар ҳам кам эмас-ку!

Мабодо бир неча минг йиллар кейин келган авлодлар ер қаъридан ўшандай кимсанинг қолдиғини топиб, унинг шакли шамойилига қараб, бизнинг кимлигимизга баҳо берса, инсофдан бўладими?

Шу нуқтаи назардан олганда ер қаъридан чиққан ҳар бир топилдиқни «Менинг аждодим» деб ёпишиш ва башарият шажарасини унга олиб бориб боғлаш ҳам масаланинг сўнгги ечими эмас, деб ўйлайман.

* * *

Одамзод пайдо бўлган географик манзиллар ҳақида фикрлайдиган бўлсак, бу ўринда ориятбозлик қилишнинг ҳожати йўқ. Ақл ҳам, кўз ҳам, тасаввур ҳам илғамайдиган замонларда ер юзидаги ва ҳудудлардаги иқлимий ўзгаришларнинг аниқ маълумотига эга бўлмагандан кейин, аниқ бир хулоса чиқариш қийинроқ кечади.

Балки, миллион йиллар бурун энг гуллаб-яшнаган ўлка бугуни қаҳратон қишли, заминидан муз аримайдиган Сибирь бўлгандир. Илк одамлар дастлаб Шимолий Муз океанининг соҳилларида дунёга келиб, уларнинг қолдиқлари абадий музликлар тагида қолгандир. Балки... балки... Тахминлар бир-бирига занжирдек уланади. Аммо, улар фикрнинг йўлини ёритишдан кўра, баттар зулматга ўраб ташлайди.

* * *

**«Сибирь»** сўзини шунчаки тилга олганим йўқ. Менинг назаримда бу сўзнинг асл маъносини айнан туркий тилларгина тўғри изоҳлаши мумкиндек туюлади.

Менимча, у аслида **Север** сўзининг бузилган шаклидир.

Север эса **Сув ва Ер** атамаларининг қўшилишидан пайдо бўлган, кенгроқ олсак қуруқлик ва уммон туташган масканни билдирган бўлса эҳтимол.

Север атамаси қадим-қадим замонлардан бошлаб то ҳозирги пайтгача ўша ҳудудларда умргузаронлик қилиб келаётган туркий халқлардан бирининг лаҳжасида **Суб-ер** тарзида талаффуз этилган ва оммавийлашган, сўнг эса рус тилига Сибирь шаклида ўтган, деб ўйлайман.

Битта маънодаги иккита сўз — Север ва Сибирь шаклига кўра маъно жиҳатидан ҳам фарқланиб, бири географик томоннинг, бири эса географик ҳудуднинг номига айланиб кетган.

Яқинда Москва телевидениесида берилган бир кўрсатувда «Сибирь» сўзини мўғулча «ботқоқлик» маъносини берадиган «шибир» иборасига боғлашди.

Бу сўз шаклан яқин келгани ҳолда, мазмунан Сибирь минтақасининг хусусиятини ифодалашга ожизлик қилади.

Қолаверса, бугунги мўғул тилидаги анчагина сўзларнинг замирида туркий сўзлар ётганлиги ҳам фанга маълум ва бунинг ҳам ўзига яраша сабаблари бор.

Қадимий бебаҳо ёзма ёдгорликлар – Урхун-Енисей битикларининг айнан Мўғулистон ҳудудида топилганлиги ҳам ўша заминда туркий тилли халқлар истиқомат қилганидан, балки, мўғул тилининг ҳам ривожланишига туртки берганидан далолатдир.

Дарвоқе, мавриди келмаса ҳам бир нарсани айтиш лозим, машҳур қозоқ шоири Олжас Сулаймонов ўзининг туркий тиллар тадқиқига бағишланган, чорак аср муқаддам нашр этилган «Аз и Я» китобида Сибирь атамасини Шумер атамаси билан яқинлаштиришга уриниб кўрган бўлса-да, муайян бир хулосага кела олмаган эди.

Гарчи, қадимги Шумер тилининг туркий тилларга қардошлиги бир қадар исботланган эрса-да, Сибирь ва Шумер сўзларининг асл маъносини англамаслик кутилган натижани бермади.

* * *

Мен Олжас Сулаймонов аниқлашга уринган бу яқинликда ҳеч қанақа ғайритабиийликни кўрмайман.

Айни пайтда «Бизнинг асл Ватанимиз Сибирь кенгликлари бўлган» ёки «Туркий халқлар дастлаб Шумерда пайдо бўлган», қабилидаги довдир мушоҳадалардан ҳам йироқман.

Чунки, биз бир қисми **ўтроқ**, бир қисми **кўчманчи** тарзида турмуш кечирган **битта** халқнинг авлодимиз.

Бу тушунчалар асло бир-бирини инкор этмайди, бир халқни иккига ажратмайди.

Бобокалонларимиз минг-минг йил бурун тирикчилик эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, ўз ҳаёт йўлларини танлаганлар.

Бир қисми ерни обод қилиб боғ яратган, дон ундирган, қишлоқ ва шаҳарлар бунёд этган бўлса, бир қисми поёнсиз яйловлар бағрини қадамлаб, чорва молларини кўпайтирган, егулик учун гўшт, сут, ёғ, кийим-кечак учун тери ва жун сингари хом ашёларни етиштирган.

Чорвадорнинг турмуш тарзи кўчманчиликни тақозо этган. Серўт яйловни қувиб, Шимолий муз океани соҳилларигача, Дашти қипчоқни оралаб, Кавказ тоғлари оша ҳозирги Иордания ва Ироқ заминигача, ҳатто, ундан нарироққа ҳам етган бўлишлари табиий бир ҳол.

Менинг фаҳмлашимча, **«Кавказ»** атамаси тилимиздаги – «тўсиқ», «дарвоза», «эшик» сўзларининг бобокалони бўлган ва бугун ҳам ишлатиб келинаётган **«қопқа»** сўзидан олинган. Бу тоғ жануб тарафидаги юртларни шимолий совуқларнинг хуружидан тўсиб, ҳимоя қилиб тургани учун ҳам Қопқа деб аталган.

Гоҳо, тилшунослар қадимги туркийда **«қаз»** сўзи **«тоғ»** маъносини англатади, деб даъво қиладилар. Бу менимча, Қопқа тоғларининг номи йиллар ўтиши билан ўзгариб, дастлаб Копқаз, сўнгра эса Кавказ шаклини олгач, бу атаманинг иккинчи бўғинини «тоғ» маъносида қабул қилишдан келиб чиққан.

Яна бир мулоҳаза: Кавказ тоғининг номи форсийда Кўҳи Қоф, яъни Қоф тоғи, деб аталган. (Туркийдаги «қопқа» сўзи кўр-кўрона ўзлаштирилган).

Лекин, бунинг моҳиятига етарли даражада эътибор берилмаганлиги туфайли, Кўҳи Қоф достонлар ва эртакларга афсонавий маскан сифатида кирган.

Хусусан, Гўрўғлини шайдо қилган париларнинг Кўҳи Қофдан учиб келиши, учиб кетиши заминида ҳам тарихий ҳақиқатлар яширин.

Бобокалонларимиз бир замонлар Кавказ ва унинг ортидаги юртлардан парипайкар қизларни олиб қочиб келган ёки шу париларга етишишни орзу қилиб, достонларига киритган бўлса, ажаб эмас...

* * *

Неча минг йиллар бурун ер юзидаги иқлим кескин ўзгариб, бепоён Сибирь кенгликлари музликлар билан қопланиб, қаҳратоннинг заҳри бизнинг юртимизни ҳам забт эта бошлагач, аждодларимиз ўсимлик оламини барбод этган, чорва молларини аёвсиз қирган табиатнинг зуғумидан қочиб, сурункали аёзларнинг хуружига дош бера олмасдан, молини ва жонини асраш мақсадида, киндик қони тўкилган Турон кенгликларини бир муддатга тарк этиб, ҳозиргига нисбатан иқлими бир қадар мўътадил, чорва учун ҳам, деҳқончилик учун ҳам қулай бўлган Осиёнинг жанубий минтақаларига, ҳатто, Африка қитъасига чекингандир, Оврупо сари йўл тутгандир.

Узоқ Шарқнинг тубидаги оролларда яшовчи япон халқининг тилидаги туркий сўзларнинг учраши ҳам шу сабаблар билан изоҳланар. (Чунки, шимолдан то бизнинг диёримизгача бостириб келган музликлар таъсирида экватор тагида жойлашган ҳудудларнинг табиий шароити ўзгарган – ҳарорат бирмунча пасайган ва юртдошларимизнинг кўникишлари учун қулайлашган бўлиши мумкин.)

Шу нуқтаи назардан олганда, «Хитой» атамасининг асл маъноси бизнинг тилимиздаги «қитъа» сўзидан пайдо бўлган, яъни, муздан, сувдан холи ер, дегани, «Корея» атамасининг мазмуни эса «Қурия», яъни, ўзбекча «қуруқлик» дегани эмасмикин, деб ўйлаб қоламан. («Қитъа» ва «қуруқлик» сўзларининг асл туркий экани эса ҳақиқатдир.)

Қозоқ ва қирғиз қардошларимизнинг, айрим ўзбек уруғларининг ташқи қиёфаси ҳам уларга яқинлиги ушбу мулоҳазаларнинг тагида аллақандай ҳақиқат борлигига шоҳидлик бераётгандек туюлади...

**Бахтиёр РИЗО**

(Давоми бор).

Шарқ дурдоналари

## Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

## ДУНЁДАГИ УЛУҒ ЗОТ

Менинг волидайи муҳтарамам Биби Ҳамида ибрат олса арзийдиган аёллардан эди.

**Эй она, васфингга тил камлик қилур,**
**Мадҳия сўзлари мубҳамлик қилур.**
**Барибир мингдан бир қарзин узолмас,**
**Бу ўғлинг қанчалик илдамлик қилур.**

Онамиз Аравон музофотининг қозиси Мулла Холматнинг қизи бўлиб, оталари қатағон туфайли 1937 йилда Тошкентда қатл этилган эди. Онамиз Аравонда отин ойи қўлида «Устоди аввал», «Муаллими Соний», «Ҳафтияк», «Қуръон», «Шоҳи Машраб», «Навоий», «Сўфи Оллоёр», «Чоркитоб», «Хўжа Ҳофиз» ва «Мирзо Бедил»ни ўқиган эдилар. Айниқса, «Қасидайи Бурда»ни оталаридан ёдлаб олган бўлиб, уни тез-тез ўқиб турардилар. Абул Маънoний, яъни «Маънолар отаси» лақабини олган Мирзо Бедил девонининг бошғазалини такрорлашни яхши кўрардилар.

**«Маънолар отаси» Мирзо Бедилдир,**
**Шоирлар каттаси Мирзо Бедилдир.**
**Оқилу доною фозилу олим,**
**Ҳаммаси, ҳаммаси Мирзо Бедилдир.**

Отамиз Мулло Ҳасанхон Махдум (Маҳдум Восилий) ёш муллавачча сифатида Бухородан қайтиб, Аравондаги уламолар йиғинида барчани, ҳатто Андижондаги мадрасанинг бош мударриси, акаси Бургут Махдумни ҳам енгади. Аравон қозиси Мулла Холмат бисотидаги афифа қизи, ўн олти ёшли Биби Ҳамидани отамизга хотинликка таклиф этган экан. Онамиз 63 ёшгача отамиз билан яшаб, оламдан ўтдилар.

**Дунёда ҳар бир зот она билан шод,**
**Ҳар тирик мавжудот она билан шод.**
**Она бўлса олам шодликка тўлар,**
**Еру ҳам коинот она билан шод.**

Онамиз шарму ҳаё маъдани эдилар.

**Дорилар давоси ила ўлчанур,**
**Китоблар маъноси ила ўлчанур.**
**Одамнинг обрўйин ўлчайин десанг,**
**Обрўйи ҳаёси ила ўлчанур.**

Биз, оила аъзолари тўпланиб қолсак, дастурхон устида давра қуриб ўтирар эканмиз, онамиз ўзларини ғоятда боҳаё тутардилар. Секин-аста сурилиб-сурилиб, ҳаммамиздан пастга тушиб олардилар. Катта акам Абдулҳай онамизга: «Нега бундай қиласиз, биз онадан юқори ўтирамизми?» — дер эдилар.

**Ҳаёлик уятчан тутар ўзини,**
**Без қилиб турмайди асло юзини.**
**Номозшомгулга боқ Қуёшни кўргач,**
**Уялиб, тезгина юмар кўзини.**

Онамиз ёш йигитчалардан, бизнинг тенгдош дўстларимиздан ҳам тортинар, уялар, рўмолларининг учини оғизларига тишлаб, уялаётганликларини билдирмасликка ҳаракат қилар эдилар.

**Олим бўлса элга зиёси бўлсин,**
**Табиб бўлса хозиқ давоси бўлсин.**
**Аммо, комил инсон бўлайин деса,**
**Аввало, аввало ҳаёси бўлсин.**

Онамизни маҳалла аёллари ҳар хил ўтиришларга қўярда-қўймай олиб кетишар, Қуръон ёки бошқа шеърий асар ёки достонлардан ўқиб беришни илтимос қилишарди. Онамизни ҳаё босар, ўқиганлари бўлиниб-бўлиниб чиқар, уятдан терга ғарқ ботар эдилар. Кўпинча менга: «Ўғлим, ўқиётсам нафасим етмай қолади, ҳаяжон ва уялишдан ёд нарсалар ҳам эсимдан чиқиб қолади» — деб арз қилардилар. Мен эса: «Ўқиётганда гўёки ҳеч ким йўқдек тасаввур қилиш керак» — деб қўярдим.

**Чин аҳду садоқат ҳаёси борда,**
**Ҳақиқий саодат ҳаёси борда.**
**Ҳаёсиз кишида латофат бўлмас,**
**Ҳақиқий латофат ҳаёси борда.**

Онамизни отамиз жуда ҳурмат қилар эдилар. Онамизнинг исмлари Биби Ҳамида бўлса-да, отамиз уларни «Тилло» деб чақирардилар. Бизлар катта бўлганимиздан кейин, отамиз биздан ҳаё қилиб, онамизни тўлиқ Тилло деёлмай «Ло» деб чақирадиган бўлган эдилар. Акамлар ҳам катта бўлиб бола-чақалик бўлганларида эса умуман Тиллони ҳам, «Ло»ни ҳам ташладилар. Ҳеч ким йўқ пайтдагина онамизни Тилло деб чақирардилар.

**Инсоннинг тугамас дунёси — ҳаё,**
**Йўлини ёритар зиёси — ҳаё,**
**Ҳар киши бахтига чора қидирса,**
**Чоранинг аълою авлоси — ҳаё.**

*

**Ҳаё — саодатга йўлловчи машъал,**
**Ҳаё — фароғатни мўлловчи машъал.**
**Номусу иззатнинг асоси ҳаё,**
**Ҳаё — йиқилганни қўлловчи машъал.**

Маҳалла аёллари онамизни яхши кўрар эдилар. Онамиз уларни ҳамиша очиқ чеҳра билан кутиб олар, аёллар учун дастурхонлари доимо очиқ, аёлларга қандай ёрдам зарур бўлса, қўлидан келганча ёрдамлашар, ўзи емаса ҳам, уларга берар, ҳеч қачон ҳеч нарсаларини аямас эдилар. Аллоҳ отамизни ҳам, онамизни ҳам ўз раҳматига олган бўлсин.

**Пок ёмғир бу — абри Найсондан* келур,**
**Муҳаббат хайр ила эҳсондан келур.**
**Бировдан яхшилик кутмоқчи бўлсанг,**
**Яхшилик ҳаёли инсондан келур.**

*

**Саодат конини ҳаёдан изла,**
**Шарафу шонини ҳаёдан изла.**
**Ҳаётнинг лаззату ширинлигини,**
**Бахтиёр онини ҳаёдан изла.**

**Маҳмуд ҲАСАНИЙ**

* Абри Найсон — апрелдаги булут, апрелдаги ёмғир суви энг тоза сув бўлиб, табобатда ишлатилган.

БИЛИМДОНЛАР БАҲСИГА МАРҲАМАТ!

# Марҳабо, Миср!

## Искандария кутубхонаси

У Искандария шаҳридаги энг муҳим диққатга сазовор маданий ва маърифий ўчоқлардан бири бўлган. У бундан 4300 йил муқаддам Птоломей II томонидан бунёд этилган эди. Ўша вақтдаёқ турли маданиятлар туташган ерда қад ростлаган бу йирик илм-фан ва маърифат маркази дунёдаги жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган энг биринчи ва энг бой кутубхона ҳисобланган. Зеро, унинг китоб жавонларидан 500 мингдан ортиқ қўлёзма асарлар жой олган. Лекин эрамиздан олдинги 48-47-йили Рим императори Юлий Цезарь қўшинлари қамал қилган Искандария шаҳрида чиққан катта ёнғин туфайли кутубхонада мавжуд жуда кўп ноёб ва қимматбаҳо ашёлар кулга айланади. Тахт тепасига Антонио келгач, у Искандария кутубхонаси йўқотган китоблар ўрнини тўлдириш учун Клеопатрага 200 мингга яқин қўлёзмани туҳфа этади.

Эрамизнинг 272-йилига келиб Римнинг ўша вақтдаги императори яна Искандария кутубхонасининг кулини кўкка совуришга буйруқ беради. Кутубхонанинг ундан кейинги қисматлари ҳам аянчли бўлган. Охир-оқибат у бутунлай йўқ қилинган. Бундай оғир қисматлардан кейин орадан яна неча йиллар ўтиб, Искандария кутубхонасидан, инсонлар онг-шуурига маънавий озуқа берувчи энг улкан илм-маърифат маёғи эди, деган номгина қолгач, у қайта тикланадиган, унда сақланиб қолган китоблар ўзининг янги ҳаётини бошлайдиган бўлди.

Гап шундаки, 1985 йил Искандария университети Ўрта ер денгизи бўйидаги, бир пайтлар ўша кутубхона қад ростлаган, ҳозирда университетга қарашли ер майдонини янгидан кутубхона қуриш учун инъом этди. 1987 йил октябрида ЮНЕСКО ташкилотининг ўша пайтдаги Бош директори Аҳмад Мухтор Имбу дунёдаги барча кишилар, давлатлар ва ташкилотларга мурожаат қилиб, уларни бу улкан маданий иншоотни барпо этишда фаол иштирок этишга чақирди.

1988 йил 26 июнда ЮНЕСКОнинг ўша пайтдаги Бош директори Федерико Майор ҳамда Нобель мукофотига сазовор бўлган қатор буюк шахслар иштирок этган тантанада Миср Президенти Ҳусний Муборак бу маҳобатли қурилишга тамал тошини қўйди.

Бу ажойиб, замонавий иншоотга лойиқ лойиҳа танлаш бўйича ўтказилган халқаро танловда 77 давлатдан 1400 та лойиҳа ва қурилиш ташкилоти иштирок этди. 1989 йил сентябрида ушбу танлов натижасига кўра, Мисрнинг «Араб пудратчилари» компанияси билан Италия ширкатлар уюшмаси бу ноёб иншоотни бунёд этиш шарафига муяссар бўлдилар.

Мавжуд лойиҳага кўра бинонинг ташқи кўриниши унинг узоқ ўтмишини эслатиб турувчи қатор меъморий ечимлардан ташкил топади. Айни чоғда унда бу орада пайдо бўлган кўплаб меъморий назария ва ихтиролардан ҳам унумли фойдаланилади. Бино тепаси шарсимон самовий гумбаз шаклида, асосий бино цилиндр кўринишида, анжуманлар зали эса пирамидасимон тарзда бўладики, улар биргаликда ажойиб меъморий бутунликни ташкил этади. Иншоотнинг ичидан қараладиган бўлса, барча меъморий ечимлар у шовуллаб турган бир бутун денгиз кўринишида бўлишини таъминлайди. Зеро, етти қаватдан иборат қироатхона етти қат шалолани эслатса, у ердаги пиллапоя ва зиналар бамисоли тепадан тушиб келаётган сувни, ойнаванд шифтлар эса кемалар елканларини эслатади. Мовий ва оқ, баъзи йўлкалардаги яшил тусдаги табиий нурлар 2500 ўқувчи сиғадиган қироатхонанинг ойна шифтида ажойиб товланади.

Бу ажойиб кошона таркибида умумий кутубхона, ёшлар кутубхонаси, кўзи ожизлар кутубхонаси, мусиқа соҳаси бўйича кутубхона каби турли соҳага ихтисослашган кутубхоналар, йирик анжуманлар маркази ҳамда «Информатика тадқиқоти бўйича халқаро институти», «Ноёб асарлар тадқиқоти», «Илм-фан музейи», «Ёзув турлари ва тарихи институти», «Ноёб қўлёзмалар музейи» ва «Муҳим ҳужжатлар ҳамда камёб китобларни асраш ва тиклаш маркази» каби муассасалар ҳам фаолият кўрсатади.

Кутубхона ишларига икки кенгаш раҳбарлик қилади. Улардан бири кутубхонани оталиққа олганлар — Васийлар кенгаши. У 824 аъзодан иборат бўлади. Улар орасида Франция президенти, Испания маликаси, ЮНЕСКОнинг Бош котиби сингари мўътабар зотлар ва йирик шахсларни кўриш мумкин. Иккинчи кенгаш эса бевосита кутубхонани бошқариш билан шуғулланадиган — Котиблар кенгашидир. Унинг аъзолари 15-20 киши атрофида бўлиб, улар илм-фан ва маданият соҳасида дунёда кўзга кўринган кишилар, Нобель мукофоти соҳиблари ва бошқалардан ташкил топади. Уларни танлашда бой тажрибалари, турли маданий, жуғрофий, назарий муҳит вакиллари бўлишларига эътибор берилади.

Кутубхона жавонларидан 8 миллиондан ортиқ китоб жой олади. Маълумотлар борасидаги энг замонавий технологиядан фойдалана олиш учун кутубхона Мисрдаги ва дунёдаги барча илмий-тадқиқот муассасалари, илмий кутубхоналар билан боғланиш имконини берадиган ИНТЕРНЕТ тизимига эга бўлади. Шу тариқа Миср дунёга юз тутади. Кутубхонага мамлакатнинг турли бурчакларидан келган толиби илмлар ташқи дунё маданияти, илм-фани ва таълим-тарбияси соҳаларидан боҳабар бўладилар. Айни чоғда кутубхона жаҳон афкор оммасига Мисрнинг кишиликни ҳайратга солган 8 минг йиллик тарихга эга бой маданияти, юксак илм-фани ва жаҳоншумул цивилизациясининг турли даврлари билан янада яқинроқ танишиш имконини яратади.

Искандария кутубхонасини қуриш, тўғрироғи, қайта қуриш, аслини олганда умумбашар ақл-заковатига, умуминсоният тафаккурига бўлган чексиз ҳурмат-эътибордан ўзга нарса эмас. У мангуликка дахлдор аҳромотлар юрти — Мисрда янги илмий маёғ янглиғ яна бир янги ҳарам — обида яратишдир. Токи у ўтмишни ҳозир билан, қолаверса келажак билан боғлаб турадиган муҳим ҳалқа вазифасини ўтасин. Айни чоғда ўзига хос, ноёб истеъдод ва иқтидор юрти — Мисрнинг азалий маданий мавқеини қайта тикласин!



### Искандария кутубхонасининг дўстлари

ЮНЕСКО дунёнинг чор атрофига тарқалган ва бари «Искандария кутубхонаси дўстлари» номи остида юритиладиган 18 та йирик миллий жамиятларни бир-бири билан боғлаб турувчи, улар фаолиятларини мувофиқлаштирувчи халқаро ташкилотдир. АҚШнинг ўзида бу жамиятлардан 4 таси мавжуд бўлиб, улар Балтимор, Сан-Франциско, Сорки ва Колорадо шаҳарларида қўним топган. Қолганлари эса Испания, Франция, Греция, Кипр, Норвегия, Швеция, Британия, Германия, Япония, Швейцария, Данимарк, Австралия, Финляндия ва Мексикада жойлашгандир.

Бу жамиятларнинг йиллик анжуманлари ҳар йили уларнинг бирида бўлиб ўтади ва унда ушбу йил давомида бу кутубхонага қай тарзда ёрдам кўрсатиш масаласи кўрилади, келажак режалари тузилади. Бу жамиятларнинг бари уларнинг аъзолари ташаббусларига кўра, ўша юртда миллий жамиятлар ташкил этиш қонун-қоидалари асосида, ЮНЕСКО билан мувофиқлаштирилган тарзда ташкил этилган.

### Иккинчи савол-жавоб варақаси

Газетанинг номи ____________________

Иштирокчининг исми-шарифи, ёши, касб-кори ва манзили: ____________________

____________________

**1-савол:** Искандария кутубхонаси ишга тушгач, унинг жавонларидаги китоблар сони:
а) Америка конгресси кутубхонасидаги китоблар сонидан кўп бўлади.
б) Америка конгресси кутубхонасидаги китоблар сонидан оз бўлади.
в) Америка конгресси кутубхонасидаги китоблар сонига тенг бўлади.
**2-савол.** Искандария шаҳрининг шундай номланишига сабаб:
а) Искандар Зулқарнайн (Александр Македонский) у ерда туғилгани.
б) Искандар Зулқарнайн бу шаҳарни бунёд этгани.
в) Искандар Зулқарнайннинг қабри шу ерда эканлиги.

**Эслатма:** Савол-жавоб варақаси қирқиб олиниб, тўғри жавоблар белгилангач, мусобақанинг якунигача йиғиб юрилади. Улар бешта бўлгач, барчаси бир йўла Миср элчихонасининг МАТБУОТ ШЎЪБАСИ жойлашган Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-бино, 601-604 хоналарга жўнатилади.

ПРОФЕССИОНАЛ БОКС

## Ҳамюртимиз Фарҳод Бакиров — РАВА чемпиони!

**Республикамизнинг ҳаваскор боксчилари ўз маҳоратларию нуфузли ғалабалари билан халқаро майдонда донг таратганликлари яхши маълум. Мустақиллик юртимизда профессионал бокснинг юзага келиб ривожланиши учун кенг истиқболлар очди. Хусусан, 1993 йилда Ўзбекистон профессионал бокс федерацияси ташкил этилган бўлса, 1996 йил у Пан Осиё бокс ассоциациясига кирди ва Жаҳон бокс ассоциацияси — WBAнинг доимий аъзосига айланди.**

Ўтган шанба куни «Юнусобод» спорт мажмуида Пан Осиё боксчилар ассоциацияси — РАВА камари ва чемпионлиги, РАВА нинг интерим чемпионлиги ва Ўзбекистон чемпионлиги учун жанглар ҳамда Ўзбекистон —МДҲ профессионал боксчилари рейтинг баҳсларининг ўтказилиши ҳамюртларимизда катта қизиқиш уйғотди.

Профессионал бокс байрамига ташриф буюрган РАВА президенти Янгсуп Шим (Корея Республикаси) мусобақа қатнашчиларини қутлаб, турнирни очиқ деб эълон қилгач рейтинг жанглари билан баҳслар бошланди.

Хусусан, энг енгил вазнда (55, 34 килограмм) ҳамюртимиз Уйғун Сиддиқов қозоғистонлик Юрий Жарковни, энг ярим енгил вазнда (58, 97 килограмм) Фарҳод Арслонов (Ўзбекистон) Тимофей Скрябин (Молдова)-ни, енгил вазнда (61,32 кг) Зиятдинбек Тойғанбоев (Ўзбекистон) россиялик Максим Красотинни, энг ўрта вазнда (69,85 кг) Наримон Отаев (Ўзбекистон) қозоғистонлик Бекжон Олтинбековни ва ниҳоят ўрта вазн (72,58 кг) Атлантадаги олимпиада ўйинларининг бронза нишондори Карим Тўлаганов Александр Сироватко (Беларус)ни енгиб рейтинг очколарига эга бўлишди.

РАВАнинг интерим чемпионлиги ва Ўзбекистон чемпионлиги учун ўзбекистонлик даъвогарлар Мехти Маҳкамов ва Акмал Асланов ўртасидаги баҳс тенг курашлар остида кечди. Бинобарин, боксда жуда кам учрайдиган ҳолат юзага келиб ҳакамлар дуранг натижани қайд этишди. Ва ўрта оғир вазнда чемпион аниқланмай қолди.

Асосий баҳсга ўрта вазн (66,68 кг)да РАВА чемпионлигига даъвогар, 29 ёшли ўзбекистонлик Фарҳод Бакиров ва РАВА чемпиони индонезиялик Давид Косваралар тушишди. Бунда жуда яхши тайёргарлик кўрган Фарҳод техник нокаут билан ғалаба қозонди ва Пан Осиё боксчилар ассоциацияси чемпиони ва РАВА камарининг соҳиби бўлди.

**Дилмурод ИСМОИЛОВ**


ҚУТЛАЙМИЗ!

*Гўзал ва ёқимтой, жондан азиз синглимиз Азизахон!*
*Мучал тўйинг—12 баҳоринг муборак бўлсин! Ягона тилагимиз:*
*Оллоҳ умрингни узун, ризқингни баланд, толеингни порлоқ қилсин.*
*Ҳамиша кулиб-яшнаб, қалбимиз қувончи бўлиб, ардоқли ва суюкли бўлиб юриш насиб этсин.*
*Сени жондили билан севувчи акаларинг:*
*Акром, Акбар ва ойинг.*

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Алп Жамол Банк»идан янгилик!

«Алп Жамол Банк» валюта алмаштириш шохобчалари Ўзбекистон Республикасидан узоқ хориж мамлакатларига борувчиларга 300 АҚШ долларигача бўлган миқдорда ва МДҲ ҳамда Болтиқбўйи давлатларига борувчиларга 100 АҚШ долларигача миқдорда хорижий валютани сотишда давом этмоқда.

Бунинг янгилиги нимада?

**Янгилиги шундаки,** бошқа тижорат банкларидагига нисбатан **бизда валюта арзонроқ!** Қимматига олиш не даркор? Ундан кўра «Алп Жамол Банк»ка келаверинг!

**Валюта сотиб олиш учун**
**Сиздан фақат қуйидагилар талаб қилинади:**

*1. Паспорт.*
*2. Авиачипта ёки темир йўл чиптаси.*
*3. Ўзбекистон Республикаси четга чиқишга ОВИР рухсати ва чет давлатга кириш визаси (виза талаб қилинмайдиган мамлакатлар бундан мустасно).*

Бирор тушунмовчиликлар ёки таклифлар юзага келган тақдирда **Банкнинг шикоят ва таклифлар китобига ёзиб қўйишингизни илтимос қиламиз!**

**«Алп Жамол Банк»**
**валюта алмаштириш шохобчаларининг манзиллари:**

1. М.Отатурк кўчаси, 21— «Алп Жамол Банк» биносида.
2. Абай кўчаси, 7—«Алп Жамол» бизнес маркази биносида.
3. Буюк Ипак йўли, 115 — «Саёҳат» меҳмонхонаси биносида.


БУ АЖИБ ДУНЁ

### Арвоҳ... машина

Пенсильванияда яшовчи Питер исмли кимсани безорилар машинаси билан бирга ёқиб юборишади. Безорилар олти киши эди. Улар ёнаётган машина ичида Питернинг қичқириғини эшитгач, машина портлаб кетмасин деб қочиб қолишган. Аммо машина портламаган. Эртасига худди ўша ерга келган безорилар ҳеч нарса топиша олмаган. Улар ҳайрон бўлишган. Орадан бир ой вақт ўтгач қўшнилари Питерни машинасини ҳайдаб кетаётганини кўришган. Худди ўша куни тунда безорилар икки қизни хилват жойга олиб бориб, номусига тегиб бўлиб ёқиб юборамиз деб турганларида қўққисдан Питернинг машинаси пайдо бўлади. Безорилар машинани дарров танидилар. Машина қизлар олдига келиб тўхтади. Эшик очилиб кимдир қизларни ичкарига олди. То безорилар ўзларини ўнглаб олгунларига қадар машина тезликни ошириб кўздан ғойиб бўлди. Улар машина ортидан қувдилар. Анча юрганларидан кейин машина қўққисдан уларнинг орқаларида пайдо бўлиб қолди ва мотоциклчилардан бирини уриб, мажақлаб ўтиб кетди. Орқасидан ўқ отишди, бир неча километр қувиб боришди, лекин машина яна уларнинг ортида пайдо бўлди ва қочишга минг чандон урингани билан яна бир безорини мажақлаб кетди. Улар ўзларини ўнглаб олгунларига қадар машина яна кўздан ғойиб бўлган эди. Энди улар юрак ютиб машина ортидан қувмадилар.

Орадан ўн кун ўтиб безорилар катта ўғирликни амалга ошираётганларида олдиларида ўша машина пайдо бўлди. Аммо машинадан ҳеч ким тушмади. Улар аста бориб машина ичини қарашди, у ерда одам скелети рулда ўтирарди. У уларга қараб тишларини тиржайтирди ва машина кескин бурилиб бир безорини уриб кетди. Қолганлари қочиб қолдилар. Ҳалиги ўрнида жон берди.

Безорилар Питернинг арвоҳи қасд олаётганига тушуниб, Канадага ўтиб кетдилар. У ерда яна бир тўдага қўшилиб, икки ой тинч юрдилар. Бир куни улар ялангликда кетаётганларида қўққисдан орқаларида ўша Питернинг машинаси пайдо бўлди ва уларни таъқиб қилишга тушди. Безорилар уч томонга бўлиниб, қочишга тушдилар. Аммо машина турган жойида учга ажради ва яна худди ўша рангдаги икки машина қолган икки безорининг ортидан қувиб кетди. Безориларнинг учови ҳам қочиб қутулолмади. Учовини ҳам машина мажақлаб ташлади ва худди ўша ондаёқ ғойиб бўлди.

### Тўрт кун нариги дунёда

Бу дунёда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган шундай мўъжизалар ҳам рўй берадики, беихтиёр ёқа ушлайсан киши...

1831 йилда Англияда Грегори Мелер деган бир бечора тиф касаллигига чалиниб, ҳаётдан кўз юмади. Дафн этилганидан сўнг орадан тўрт кун ўтиб, бўлғуси шифокор-талабалар бировга билдирмасдан унинг мурдасини ковлаб олишади ва ёриб кўриш учун келтиришади. Мурдани мармар тахтачага ётқизишгач профессор унинг устига ёпилган матоҳни кўтаради. Шу лаҳзада марҳумга жон кириб, профессорнинг қўлига ёпишади. Бу ерда ҳозир бўлган барча талабалар тум-тарақай қочишади.

Тасодиф туфайли ҳаётга қайтган Грегори Мелер узоқ умр кўрди. Ўзининг ноодций ўлими ҳақида кейинчалик китоб ёзди. Унда айтилишича, Грегори «ҳалок бўлганда» ҳамма нарсани сезиб-билиб ётган-у ҳаракат қилолмаган ва гапиролмаган. У докторнинг: «У ўлди» деганини ҳам, яқинларининг йиғисини ҳам, яқин дўстининг видолашув нутқини ҳам аниқ-тиниқ эшитиб турган. Шундай қилиб, халоскор талабалар уни қабрдан чиқариб олмагунларича тўрт кун нариги дунёда «яшаган».

### Онанинг нотинч юраги

1865 йилда америкалик беш ёшли Макс Гофман касаллик туфайли бу дунёни «тарк» этди. Ота-онасининг фермасидан унча узоқ бўлмаган қабристонга (Висконсин штати) уни дафн этишди. Ўша тунда онаси даҳшатли туш кўради: болагинаси қабрда тинмай типирчилар, тобутдан халос бўлишга жон-жаҳди билан уринаётган эмиш. Қўрқиб уйғониб кетган онаизорнинг юраги бир мудҳиш фалокатни сезган эди. У эрига қабрни очишни сўраб ёлбора бошлади. Ажабланган эри уни амаллаб тинчлантирди.

Аммо онанинг юраги тинчланмади. Эртаси тунда туши айнан такрорланди. Бу сафар у ҳеч нимага қулоқ солмади. Қаттиқ туриб олди. Ноилож қолган жаноб Гофман қўшниси билан қабрни очди. Не кўз билан кўрсинки, бола чиндан ҳам тобутда ёнбоши билан ётар, аммо унда бирон-бир тириклик аломати йўқ эди. Шунга қарамасдан Максни шифокорга олиб боришди. Кучайтирилган массаж ва сунъий нафас олишдан сўнг бола аста-секин нафас ола бошлади. Ҳеч қанча вақт ўтмай у бутунлай тирилди.

Беш ёшида қабрга кириб чиққан Макс 90 йил умр кўрди. Қария Макс умрининг охирги кунларигача болаликдаги олинган икки дона металл ушлагични энг қадрдон хотира сифатида сақлаб юрди.

**Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ**


Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

*Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-2507.

Босмага топшириш вақти 11.30

1 2 3 4 5 6